

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН**

« 17 » апрель 2019 у.

№ 327

Toshkent sh.

**Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалини  
ташқил этиш тўғрисида**

Шоличилик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш, шолининг янги рақобатбардош, шунингдек, Хоразм воҳасининг табиий-иклим шароитларига мос, серҳосил навларини яратиш ва етиштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлигининг Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станцияси негизида Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалини (кейинги ўринларда филиал деб аталади) ташқил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худуднинг тупроқ-иклим шароитларига мос, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, гуручининг юқори сифат кўрсаткичлари бўйича ажралиб турувчи шоли навлари ва дурагайларини яратиш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш;

янги ва истиқболли шоли навларининг бирламчи уруғчилигини ташқил этиш, уруғчиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

шоли етиштиришда замонавий ресурстежамкор ва сув тежовчи технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

чет эл илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

шоли экинидаги касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига таъсир этмайдиган усулларни ишлаб чиқиш;

шоли экинини етиштиришдаги асосий агротехник тадбирларни инновацион технологиялар асосида механизациялашни жорий этиш;

соҳанинг етакчи хорижий илмий муассасалари билан қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шолчиликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган лойиҳа ва инвестицияларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш;

шоли ва дуккакли дон экинларини етиштиришни ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий даражасини доимий ошириш ва такомиллаштириш.

3. Белгилансинки, филиал илмий муассаса шаклидаги юридик шахс бўлиб, у Шолчилик илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

#### 4. Қуйидагилар:

Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

2019–2021 йилларда Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиалини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорига, зарур ҳолларда, филиал тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Шолчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда бир ой муддатда филиалнинг уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Қуйидагилар филиални молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда филиалга:

Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Шоликор қишлоғи, “Чинобод” муқобил машина трактор парки ҳудудидаги 1800 м<sup>2</sup> бўш турган ер майдонини – бино ва иншоотлар қуриш учун;

Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги 82 гектар суғориладиган ер майдонларини – доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида илмий-тадқиқот ишлари учун ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев, Хоразм вилояти ҳокими Ф.Ў. Эрманов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, ИТ-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “17” апрелдаги 327- сон қарорига  
1-илова

**Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 17 нафар, шу жумладан илмий ходимлар сони – 9 нафар.  
Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалдаги нормативларига асосан аниқланади. Илмий-техника лойиҳаларни бажариш учун шартнома асосида илмий ва техник ходимлар жалб қилиниши мумкин.

\*) хўжалик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил "17" апрелдаги 327- сон қарорига  
2-илова

**2019–2021 йилларда Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиалини ривожлантириш  
бўйича комплекс чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Шолчилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалий тадқиқотлар, инновацион ишлар олиб бориш</b>					
1.	Хоразм вилоятида шолчиликни ривожлантириш, унинг селекцияси, уруғчилиги ва шол этиштириш агротехнологияларини такомиллаштиришга доир долзарб муаммолар бўйича республикада ўтказиладиган амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар танловида иштирок этиш.	2019-2021 йилларда шолчиликдаги устувор илмий йўналишларни аниқлаш. Амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар тайёрлаш. Илмий тадқиқотларни ўтказиш ва натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.	2019-2021 йиллар	Давлат илмий техник дастурларига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
2.	Шолчилик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг жаҳон андозалари асосида ўтказилишини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Шолчилик соҳасида етакчи хорижий давлатларнинг илмий муассасаларида бажарилаётган илмий-тадқиқотлар тенденциялари ва натижаларини таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижалари бўйича филиал илмий-тадқиқот мавзулари ва йўналишларини янгилаб ва такомиллаштириб бориш. 2. Соҳа бўйича етук хорижий	2019-2021 йиллар	Халқаро ташкилотлар грантлари, хўжалик шартномалари доирасида ажратиладиган маблағлар	Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		мутахассислар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, видео-конференциялар ташкил этиш.			
3.	Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитларига мос шўрга чидамли шоли навларини яратиш, хорижий давлатлардан келтириладиган шоли навларини иқлимлаштириш, ресурстежамкор юқори самарали шоли етиштириш агротехнологияларини яратиш, шоли экинida учрайдиган бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича илмий-тадқиқот ва инновацион изланишларини олиб бориш.	Шолининг янги навларини яратиш, хорижий давлатлардан келтириладиган навларини ўрганиш, иқлимлаштириш, танлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижалари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Худуднинг тупроқ-иқлим шароитларида шолidan юқори ҳосил олишнинг агротехнологиясини ва касалликларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ва инновацион изланишларини натижалари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.	2019-2020 йиллар	Давлат илмий-техника дастурлари доирасида ажратилadиган маблағлар, халқаро ташкилотлар грантлари, хўжалик шартномалари доирасида ажратилadиган маблағлар	Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Инновацион ривожланиш вазирлиги
<b>II. Шоличилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш</b>					
4.	Вилоятдаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва мустақил-изланувчилари ҳамда магистрларини шоличилик соҳаси бўйича амалий ва инновация лойиҳаларини бажарилишига жалб этиш.	Илмий ҳисоботлар. Ҳамкор ижодий гуруҳларини шакллантириш, уларни илмий ва инновация лойиҳалари танловларида иштирок этишини таъминлаш. Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиали ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда лаборатория	2019 йил	Халқаро ташкилотлар грантлари, хўжалик шартномалари доирасида ажратилadиган маблағлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хоразм Маъmun академияси

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		базаларидан самарали фойдаланиш учун барча шароитларни яратиб бериш.			
5.	Шоличилик соҳаси ривожланган хорижий давлатлар марказларидан олимларни жалб этиш, етакчи илмий-тадқиқот институт ва марказларида кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш.	<p>Ҳамкорлик шартномалари. Соҳа йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>Ҳар йили етакчи хорижий илмий муассасаларда кадрлар малакасини ошириш учун қисқа ва узок муддатли стажировкалар ташкил этиш, уларни халқаро анжуманлар ва семинарларга юбориш.</p> <p>Шоличилик соҳаси ривожланган хорижий давлатлар марказларидан олимларни жалб этиш орқали кадрлар малакасини ошириш учун фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари учун ўқув дарслари, семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.</p>	2019-2020 йиллар	Халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари	Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
<b>III. Филиалнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш</b>					
6.	Шоличилик соҳасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш.	Маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2019 йил	Инвестиция маблағлари	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
7.	Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиалида тайёрланадиган шоли ва дуккакли экинларни уруғларини сақлаш, саралаш ва меъёрларга келтириш мақсадида донни сақлаш ва саралаш мажмуасини қуриш ва янги самарали технологияларни ўрнатиш.	Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиалида сиғими 250 тонна бўлган донни сақлаш омборхоналари қуриш, 1 та қуриштириш ва 2 та донни саралаш ускунасини сотиб олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда шартномалар тузиш.	2019 йил	Хўжалик шартномаларидан тушган маблағлар ҳисобига	Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
<b>IV. Филиал ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш</b>					
8.	Шоличилик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда ёш олимларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини амалга ошириш.	Кадрлар кўнимсизлигини олдини олиш мақсадида мутахассисларни белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш.	2019-2021 йиллар	Банк кредитлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Фанлар академияси
9.	Филиалнинг илмий ходимларига устама ҳақ белгилаш.	Филиалда илмий салоҳиятни ошириш юзасидан амалдаги қонунчилик асосида илмий ходимларга устама ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш.	2019-2021 йиллар	Давлат бюджети ва хўжалик шартномаларидан тушган маблағлар	Фанлар академияси, Молия вазирлиги

